

“Ҳеч ким эътибордан четда эмас” – Ўзбекистон тумани Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказининг ишлари бўйича маълумот берилди

Аввал [хабар берганимиздек](#), Яйпан шаҳридаги “Яйпан тараққиёт инвест” масъулияти чекланган жамияти (собиқ “Матлуботсавдо” ҳиссадорлик жамияти)да Ўзбекистон тумани ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш маркази иш бошлаган.

Марказ фаолиятини янада самарали ташкил этишга тумандаги сектор раҳбарлари-туман ҳокими, туман прокурори, ИИБ бошлиғи, давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ҳамда ДХХ тумани бўлимни бошлиғи ҳар томонлама доимий кўмак бериб келмоқдалар.

Коронавирус пандемияси даврида марказда ҳомийлик маблағи эвазига жамланган озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат хайрияларни оиласларга манзилли, санитар-гигиеник талабларга мос равишда етказиб бериш йўлга қўйилган.



Бу ерда жамланган хайрия маҳсулотлари дастлаб санитар-гигиеник талабларга мувофиқ кўрикдан ўtkazилиб, тақсимланмоқда ва манзилга етказилгунга қадар санитар-гигиеник талабларга мувофиқ сақланиши таъминланмоқда.

шахслар ҳамда ёрдам беришда ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган кўнгиллилар ва хайрия қилишни истовчи фуқаролар маълумотларини қабул қилиш ишлари йўлга қўйилган.



Туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимининг маълум қилишича, 10 апрель куни туман секторлари кесимида истиқомат қилувчи эҳтиёжманд, ёлғиз кексалар, ёлғиз оналар, ногиронлиги бўлган шахслар, ишсиз фуқаролар, умуман, ижтимоий ҳимояга муҳтој 90 та оиласга хайрия ёрдами кўрсатилди.

Бугунги кунга келиб марказ томонидан Ўзбекистон тумани бўйича манзилли рўйхат асосида дезинфекцияланган автоуловлар орқали жами 191 та хонадонга умумий 115 кг ун, 143 литр ёғ, 175 кг туз, 35,4 кг қуруқ чой, 61 кг шакар, 187 кг картошка, 96 кг пиёз ва 150 кг пиёз маҳсулотларидан иборат бирламчи озиқовқат маҳсулотлари етказиб берилди.

- Туманимизда саховатпеша фуқароларимиз ва сахий тадбиркорларимиздан хайрия ёрдамлари келиши давом этмоқда. Айримлари ўзларининг шахсларини маълум қилмасликларини илтимос қилишади. Айни синов кунларида юртдошларимизга мададкор бўлаётган ана шундай сахий инсонларимизнинг борлиги, халқимизда ҳеч қачон меҳр-оқибат кўтарилмаслигидан яна бир далолатдир, - дейди туман ҳокими ўринбосари, туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи М.Камолова.

2 / 2